2017 йил 3 октябрь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 199 (13.532)

Баҳоси эркин нархда

## КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР СИФАТИ – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА РОЗИЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 октябрь куни аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш, кўп қаватли уй-жойлар, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларининг ҳолати таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда аҳолига уй-жой коммунал хизматлари кўрсатишни тубдан яхшилаш, уй-жой фонди ва ижтимоий объектлардан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг иш сифатини юксалтириш ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг бориши кўриб чиқилди.

Президентимиз одамларнинг кундалик ҳаёти, фаровонлиги, саломатлиги ва кайфиятига бевосита дахлдор бу масалаларга доимий эътибор қаратиб келмоқда. Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 апрелдаги "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тузилди. Ўтган даврда вазирлик томонидан кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини эксплуатация қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига мувофиқ мутасадди вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат иккита махсус ишчи гуруҳ тузилди. 1-ишчи гуруҳ томонидан Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида, 2-ишчи гуруҳ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги ҳолат ўрганилди. 18 июлдан 30 сентябргача давом этган ўрганишларда соҳадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг ҳар бир шаҳар ва туманда бажарилиши таҳлил қилинди. Асосий эътибор кўп қаватли уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари, ичимлик суви, электр энергияси, иссиқлик, табиий ва суюлтирилган газ таъминоти, кўмир етказиб бериш, санитар тозалаш каби масалаларга қаратилди. Жойларда аҳоли, маҳалла фаоллари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари вакиллари билан учрашувлар ўтказилиб, уларнинг талаб ва таклифлари инобатга олинди.

Йиғилишда ишчи гуруҳлар раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 июндаги "Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2017/2018 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда тизимли ишлар амалга оширилган. Марказий қозонхоналар, иситиш қозонлари, иссиқлик, сув, газ, электр тармоқлари таъмирланган.

Кўп қаватли уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқилган дастур асосида уйларнинг том қисмлари таъмирланган, йўлаклар ва ертўлалар тартибга келтирилган. Болалар майдончалари қурилган. Маиший чиқиндилар махсус жойларга ташиб кетилган.

Таълим муассасалари, болалар уйлари, шифохоналар ва бошқа ижтимоий объектларда таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Олис ва табиий газ етиб бормаган аҳоли пунктларига зарур миқдорда маиший газ баллонлари етказиб берилган.

Йиғилишда аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларини электр ва иссиқлик энергияси, ичимлик суви, табиий ва суюлтирилган газ, кўмир, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш, кўп қаватли уй-жой фондини сақлаш, оқова хизматлари кўрсатиш борасидаги ишлар танқидий таҳлил қилинди. Бу жабҳалардаги ишларни изчил давом эттириш, барча уй-жойлар, мактаб, шифохона ва бошқа ижтимоий объектларнинг куз-қиш мавсумида иссиқ бўлишини таъминлаш юзасидан муҳим вазифалар белгиланиб, ишчи гуруҳларга зарур кўрсатмалар берилди.

Президентимиз куз-қиш мавсумига тайёргарлик дастурлари ижросини танқидий қайта кўриб чиқиш, режалаштирилган чора-тадбирларни манзилли ва мақсадли амалга ошириш, маблағлардан самарали фойдаланиш, энергия тежамкор технологияларни қўллашни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Бу борадаги ишларни вилоятлар ва соҳалар кесимида эмас, маҳаллама-маҳалла, уйма-уй амалга ошириш кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига уй-жойлар ва ижтимоий-иқтисодий объектларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини якунлаш, аҳолини электр, иссиқлик, газ, сув ва бошқа ҳаётий зарур воситалар билан узлуксиз таъминлаш, одамларнинг фаровонлиги ва розилигини ошириш бўйича кўрсатма ва топшириқлар берди.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида республикада таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Бироқ ўтказилган таҳлиллар мактабгача таълим соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ва натижаси етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

Жумладан, сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроқ камайган бўлиб, бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 30 фоизни ташкил этади. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси замонавий талабга жавоб бермайди.

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5198-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг давлат ва нодавлат тармоқларини янада кенгайтириш, давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш шароитларини яратиш, давлат ва хусусий сектор шериклиги шартларида мактабгача таълим муассасаларининг янги шаклларини жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида:

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## ФИСКАЛ ХОТИРАЛИ НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пулга товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда фискал хотирали назорат-касса машиналар қўлланишини янада такомиллаштириш, шунингдек, аҳоли билан пулли ҳисоб-китоб қилишни тезкор ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5116-сонли Фармонига мувофиқ Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида давлат солиқ хизмати органларига ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотларнинг онлайн режимида узатилишини таъминлайдиган назорат-касса машиналарини қўллаш орқали нақд пул ва нақд пулсиз шаклдаги тушумлар, шу жумладан, электрон тўловлар устидан автоматлаштирилган назорат тизими жорий этилиши, республикамизнинг қолган ҳудудларида мазкур тизим босқичма-босқич киритилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

*(Давоми 3-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## "КУРАШ" МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда асрлар давомида мардлик, бағрикенглик, олижаноблик ва ҳалолликнинг тимсоли сифатида эъзозланиб келинган, ўзбек халқининг тарихий мероси – "Кураш" миллий спорт турини (кейинги ўринларда кураш деб юритилади) қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида кураш халқаро спорт тури сифатида кенг эътироф этилди, "кураш", "ҳалол", "таъзим", "тўхта" ва "ёнбош" каби атамалар эса халқаро спорт луғати таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

*(Давоми 3-бетда)*

**ПОЙТАХТНИНГ** БИР КУНИ

***Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил май ойида пойтахтимизнинг Яшнобод туманига ташрифида кутилмаганда 32-оилавий поликлиникага кириб, аҳолига патронаж хизмати кўрсатиш сифатини янада ошириш зарурлигини таъкидлаган, мавжуд муаммоларни қисқа муддатда бартараф этиш, поликлиникани таъмирлаш ва аҳоли учун янада кўпроқ қулайликлар яратиш, мобиль тиббий ёрдам қамровини кенгайтириш бўйича топшириқлар берган эди.***




**Президент ташрифидан сўнг**

## ЯНГИ БИНОДА ЯНГИЧА МЕЗОН

Президентимиз топшириғидан сўнг, қисқа вақт ичида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан поликлиника фаолиятини тубдан яхшилаш мақсадида бирламчи тиббий ёрдам бўйича мамлакатимиз ва хориж тажрибаси, аҳоли фикр-мулоҳазалари ва таклифлари ўрганилган ҳолда комплекс тадбир ишлаб чиқилди. Бунда асосий эътибор аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарасини янада яхшилаш, шифокор қабулига кириш учун навбатларни қисқартириш, касалликларни эрта аниқлаш ва патронаж ишларини ўз вақтида мақсадли олиб бориш, шошилинч ҳолатларда тез тиббий ёрдам хизматини самарали ташкил этишга қаратилди.

Илгари поликлиника фаолияти аҳолини қониқтирмас, мавжуд камчиликлар, хусусан, муассасанинг моддий-техника базаси, кадрлар салоҳияти, дори-дармон ва тиббий буюмлар таъминоти ҳамда патронаж хизмати ислоҳотга муҳтож эди. Давлатимиз раҳбарининг ўринли эътирози ва тавсиялари билан бугун поликлиника фаолияти тубдан яхшиланди, муассаса янги бинода янгича мезонда иш бошлади.

Аҳоли фикрига таяниб тиббиёт муассасасидаги навбатлар масаласи уларга ноқулайлик туғдираётгани аниқланган эди. Бугун замонавий тиббиёт электрон навбат тизимига ўтмоқда ва бу тажриба мамлакатимизда ҳам ўзини оқлаётир. Шу мақсадда поликлиникада ҳам шифокор қабулига электрон ёзилиш тизими жорий этилди.

– Аввалги поликлиникамиз билан бугунги поликлиникамиз ўртасида катта фарқ бор, – дейди Жўрабек маҳалласида яшовчи Анвар Низомиддинов. – Бугун кенг, ёруғ бинога кириб келиб, кўнглимиз кўтарилди. Кеча электрон навбат олгандим. Мана, ҳеч қандай кутишларсиз, ортиқча вақт сарфламай кўрикдан ўтдик.

*(Давоми 4-бетда)*

## ДИНЛАРАРО ТОТУВЛИК БАЙРАМИ

***"Туркистон" саройида Тошкент епархиясининг 145 йиллиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.***

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва тотувлик барча жабҳаларда кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат, 16 конфессия вакиллари тинч-тотув яшамоқда. Уларнинг ўз маданияти, урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаши учун барча шароит яратилган. Бу ижтимоий келиб чиқиши, дини, миллатидан қатъи назар, барча юртдошларимизни шу Ватан фарзанди сифатида ягона макон ва якдил мақсадлар атрофида жипслашиб, юрт равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилишга ундамоқда.

*(Давоми 4-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2017 йил 2 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисини шу йилнинг 4 октябрь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурининг изчил ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари ва масалалар киритилмоқда.

*(Давоми 4-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 2017 йил 4 октябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мактабгача таълим тизимида вариатив дастурлар жорий этилмаган, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича муқобил, мослашувчан моделлар етарли даражада ривожланмаган ҳамда тараққий этган мамлакатлар сингари ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш, атроф-муҳит билан танишувга йўналтирилган махсус давлат таълим дастурлари татбиқ қилинмаган.

Давлат мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг аксарияти ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, бу болаларни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермайди.

Бундан ташқари, мактабгача таълим сифати мониторингини юритиш тузилмавий ва ташкилий жиҳатдан назарда тутилмаганлиги сабабли мактабгача таълим муассасаларидаги таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш замон талабларига жавоб бермайди.

Хорижий давлатлар илғор тажрибасининг таҳлили замонавий мактабгача таълим муассасаларида мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш учун шароитларни яратишга йўналтирилганлиги билан тавсифланиб, боланинг ижобий ижтимоийлашуви имкониятларини намоён қилиш, унинг ҳар томонлама шахсга оид маънавий-ахлоқий ва онгли ривожланиши, мактабгача ёшга оид тегишли фаолият турлари асосида ташаббускорлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, мулоқот доирасида катта ёшдагилар ва тенгдошлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини очишга қаратилган.

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда уларнинг туман(шаҳар)лардаги бўлимлари ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

**биринчидан**, мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

**иккинчидан**, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

**учинчидан**, республикада давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига барча болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига босқичма-босқич қамраб олинишини таъминлаш, уларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, бюджетдан субсидиялар ажратиш, шунингдек, болаларнинг мактабгача таълими ва тарбиясининг муқобил шаклларини амалиётга татбиқ этиш;

**тўртинчидан**, замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини таълим-тарбия жараёнига, шу жумладан, нодавлат секторида жорий этиш;

**бешинчидан**, миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва боладикдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан мактабгача таълим муассасаларини таъминлаш;

**олтинчидан**, замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

**еттинчидан**, мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини яратиш ва тажрибали, юқори малакали ва касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни таълим-тарбия жараёнига жалб қилиш;

**саккизинчидан**, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг рационал ва белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини таъминлаш учун муносиб шароитлар яратиш, кўнгилочар ва билим берувчи машғулотлар элементлари бўлган, ҳажмлари ва интенсивлиги асосий тиббий тақдимномалар билан белгиланувчи серҳаракат ўйинлар ва машқлар уюштириш;

**тўққизинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштириш.

3. Идоравий мансублигидан қатъий назар, барча давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимига белгиланган тартибда ўтказилсин.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим соҳасидаги барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази негизида Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (кейинги ўринларда Институт деб юритилади) ташкил этилсин ва у Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги таркибига киритилсин ҳамда унинг зиммасига илғор хорижий тажриба асосида мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар ва мутахассисларида замонавий менежмент ва педагогик технологиялар бўйича соҳага оид билимлар ва кўникмаларни шакллантириш вазифалари юклатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш бўйича комиссия зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларга юклатилган вазифаларни амалга оширишда кўмаклашиш;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарлик бўғинларини вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қодир, чуқур билим ҳамда юқори касб маҳоратига эга бўлган тажрибали ва малакали мутахассислар билан тўлдириш;

мактабгача таълим тизимининг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳудудлар бўйича ўрганиш ва таҳлил натижаларига кўра педагогика йўналишига ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларига мақсадли қабул квоталари бўйича таклифлар тайёрлаш;

республика ҳудудларида 50, 70, 100, 120 ва 150 ўринга мўлжалланган давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларини қўшимча барпо этиш орқали болаларни мактабгача таълим билан босқичма-босқич тўлиқ қамраб олиш, болаларга мактабгача таълим-тарбия беришнинг муқобил турларини амалиётга жорий этишга қаратилган комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари лойиҳаларини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев ва халқ таълими вазири У.И.Иноятов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 30 сентябрь*

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг бошқарув ходимлари чекланган сони 47 нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларининг намунавий тузилмалари 4-иловага мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар) мактабгача таълим бўлимларининг намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ;

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тузилмаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирига, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг марказий аппарати тузилмасига, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси тузилмаларига ходимларнинг белгилаб қўйилган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари, туман(шаҳар)лар мактабгача таълим бўлимлари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарорни амалга ошириш харажатлари учун 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг "Ижтимоий соҳа" учун назарда тутилган параметрлари доирасида маблағлар ажратсин, 2018 йилдан бошлаб эса ҳар йили зарур бюджет маблағлари ажратишни назарда тутсин;

ушбу қарордан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йил учун тасдиқланган харажатлари сметасига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрларини ишлаб чиқишда мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорларига тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклиф киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг марказий аппаратига 4 та, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларига 14 та енгил хизмат автотранспорт воситаларини сақлашга лимит ҳамда уларнинг хариди учун зарур бўлган маблағларни ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари моддий-техника базасини шакллантириш учун зарур бўлган жиҳозлар ва ахборот-коммуникация технологияларини харид қилиш ҳамда уларнинг маъмурий биноларини таъмирлаш учун Мактабгача таълим вазирлигига маблағлар ажратилишини таъминлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятида зарур бўлган алоқа воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқа воситаларини ўрнатишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг марказий аппарати Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уйда жойлаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда туманлар (шаҳарлар) мактабгача таълим бўлимларини бинолар ёки зарур бўлган хоналар билан таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги "Мактабгача таълим методикаси" журналини (кейинги ўринларда – Журнал деб аталади) таъсис этсин.

Мактабгача таълим тизимига жорий этилаётган илғор педагогик ва инновацион технологияларни, соҳада амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларини атрофлича ёритиб бориш, соҳага доир қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларини шарҳлаш ва тушунтириш журналнинг асосий вазифалари этиб белгилансин.

Журнал таҳририяти фаолиятини молиялаштириш журнални сотишдан тушадиган маблағлар, ҳомийлик маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағ ва манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги икки ой муддатда:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида қўлланилаётган овқатланиш меъёрларини ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқсин ҳамда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб янгиланган овқатланиш меъёрлари ва республиканинг барча мактабгача таълим муассасаларида ушбу қарор ижросининг тизимли мониторинги жорий этилишини таъминласин;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасалари учун ўқув ва кўргазмали қуроллар, уларнинг тарбияланувчилари учун ўргатувчи ва ривожлантирувчи китоблар тайёрланиши, шунингдек, уларнинг нашр этилиши, доимий равишда молиялаштирилиши ва давлат мактабгача таълим муассасаларига етказиб берилишини назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда таълим миллий тилларда олиб бориладиган мактабгача таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида инглиз ва рус тилларини, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабгача таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида инглиз ва ўзбек тилларини ўрганишни жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрласин;

"Ўзстандарт" агентлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида фойдаланилаётган, биринчи навбатда болаларнинг интеллектуал ва англаш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган ўйин ва ўйинчоқларнинг давлат стандартларини ишлаб чиқсин;

"Ўзстандарт" агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва зарур шарт-шароитларни яратиш учун таълимга қўйиладиган давлат талаблари асосида ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш меъёрларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Савдо-саноат палатаси билан биргаликда болалар ўйинлари ва ўйинчоқлари бўйича давлат буюртмасини миллий ишлаб чиқарувчилар орасида тақсимлаш бўйича 2018-2023 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик ахборотлари тарқатилиши мажбурий бўлган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазасини такомиллаштириш мақсадида икки ой муддатда мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни;

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги бир ой муддатда:

Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари тўғрисидаги низомларни;

туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқласин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.И.Иноятов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 30 сентябрь*

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми ҳисобланган мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш бўйича мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кузатишлар хулосасига кўра, Халқ таълими вазирлигининг давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликдаги фаолияти аксарият ҳолларда мактаб таълимини ривожлантириш билан чекланиб қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, мактабгача ёшдаги болалар қамровини ошириш, илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратиш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Болаларнинг қизиқиш ва интилишини ҳисобга олган ҳолда, уларга мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим-тарбия бериш, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, қалби ва онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириб бориш орқали уларни она Ватанга муҳаббат руҳида камол топтириш масаласи давр талабидан ортда қолаётгани сабабли мактабгача таълимнинг бошқарув тизими қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Фарзандларимизнинг мактабда қандай ўқиши, юксак мақсадлар билан камол топиши кўп жиҳатдан мактабгача таълим муассасасидаги тарбияга боғлиқ. Илмий кузатишлар ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон умри давомида оладиган барча ахборотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олиши айнан бола шахсининг ривожланишида мактабгача таълимнинг ўрни нечоғли муҳимлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 16 август куни ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш, мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, тизимнинг бошқарув тузилмасини ташкил этиш, мактабгача таълим муассасаларига 5-6 ёшли болаларни 100 фоиз қамраб олиш чораларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қарорда қуйидаги кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, мактабгача таълимни ҳар томонлама ривожлантириш, тарбияланувчиларнинг билими ва маънавий-ахлоқий даражасини янада юксалтириш;

"Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини мактабгача таълим қисми бўйича амалга оширишга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш;

мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талабларига биноан, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда методик раҳбарлик қилиш;

ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий илғор шаклларини, янги педагогик ва ахборот технологияларини, таълим-тарбиянинг самарали шакл ва усулларини жорий этиш;

мактабгача таълим муассасаларида ёш болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва юксак маънавият руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига мустақиллик, миллий ўзликни англаш ғояларини янада чуқур сингдириш, "оммавий маданият" кўринишидаги ёт ғояларга қарши иммунитетини мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш;

мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш;

педагог ва раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш жараёнини самарали ташкил этиш, бунда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш, таълим муассасаларини юқори малакали, замонавий билимга эга кадрлар билан таъминлаш;

мазмун ва сифат жиҳатидан замонавий талабларга жавоб берадиган, илғор педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш ва нашр этилишини ташкил этиш;

мактабгача таълим муассасаларида давлат талаблари бажарилишининг тизимли мониторингини олиб бориш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг таълим соҳасида эришган ютуқларини конференциялар, кўргазмалар ва бошқа тадбирлар орқали халқаро даражада кенг тарғиб қилиш, халқ таълими тизимига хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш;

нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш, улар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда таълим хизматлари турларини кўпайтириш.

Қарор билан белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида:

мактабгача таълим тизими ва уни ривожлантириш учун алоҳида эътибор қаратилиб, энг илғор хорижий тажрибалар асосида ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратилади;

мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш орқали мактабгача таълим ҳар томонлама ривожлантирилиб, тарбияланувчиларнинг билими ва маънавий-ахлоқий даражаси янада юксалтирилади;

ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий илғор шакллари, янги педагогик ва ахборот технологиялари, таълим-тарбиянинг самарали шакл ва усуллари жорий этилади;

болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакли бўлган қисқа муддатли гуруҳлар тармоғи кенгайтирилади;

мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси яхшиланади;

нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғи ривожлантирилиб, улар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш орқали таълим хизматларининг турлари кўпайтирилади;

бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат бино ва иншоотларидан самарали фойдаланишга эришилади;

5-6 ёшли болаларни мактабгача таълимга 100 фоиз қамраб олиш имконияти яратилади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ФИСКАЛ ХОТИРАЛИ НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг аҳоли билан нақд пулда амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига онлайн режимида узатиб бориш функциясига эга бўлган назорат-касса машиналарининг (кейинги ўринларда – онлайн НКМ) замонавий моделларини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар ҳажмини аниқлаш учун 2018 йилнинг 1 январидан 30 мартигача Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида 500 тадан 1000 тагача бўлган онлайн НКМлар тажриба-синов тариқасида амалиётга жорий этилади;

2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида барча юридик шахслар товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан нақд пулдаги ҳисоб-китобларни мажбурий тарзда онлайн НКМ ёрдамида амалга оширади;

2018 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча юридик ва жисмоний шахслар товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан нақд пулдаги ҳисоб-китобларни мажбурий тарзда фақат онлайн НКМни қўллаган ҳолда амалга оширади;

қарорнинг мазкур банди қоидалари қонунчиликка мувофиқ фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олинмаган олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахсларга татбиқ этилмайди;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан ушбу бандда белгиланган муддатлар тугагандан кейин онлайн НКМларни қўлламасдан товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш назорат-касса машинасини қўллаш тартибини бузиш деб қаралади ва қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

4. Давлат солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари 2018 йилнинг 1 майидан юридик ва жисмоний шахсларга тегишли онлайн НКМларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан чиқарилишини, шу жумладан, жаҳон информацион Интернет тармоғи орқали масофадан хизмат кўрсатиш имкониятларидан фойдаланган ҳолда, ўзлари фаолият юритаётган шаҳар ва туманларда амалга оширилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов Ш.Х.):

Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев Б.Р.) ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олинмаган олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктлари рўйхатини тасдиқласин ҳамда ҳар йили янгилаб борсин;

телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олинмаган олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктлари рўйхатини ҳар календарь йилнинг 25 декабрига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиб борсин.

6. Онлайн НКМдан келиб тушадиган фискал маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, жойлаш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига сўровга мувофиқ узатиш фискал маълумотлар оператори томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев Б.Р.) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов Ш.Х.) ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда фискал маълумотлар операторининг фаолиятини тартибга соладиган Низомни тасдиқласин ва фискал маълумотлар оператори функциясини бажарадиган юридик шахсни аниқласин.

7. “Ўззелтехсаноат” акциядорлик компанияси (Боқиев Ф.Х.):

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов Ш.Х.), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев Б.Р.) ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2017 йилнинг 1 ноябригача кейинчалик чекларнинг ҳақиқийлигини аниқлашда фойдаланиладиган уникал кодли чек берадиган онлайн НКМга қўйиладиган ягона техник талабларни белгилайдиган давлат стандартини ишлаб чиқсин ва қонунчиликда белгиланган тартибда экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун “Ўзстандарт” агентлигига тақдим этсин;

онлайн НКМга қўйиладиган ягона техник талаблар конфигурацияси маълумотларининг очиқлигини таъминласин;

бошқа манфаатдор шахсларни жалб қилган ҳолда, 2017 йилнинг 1 декабригача республикада онлайн НКМ ва (ёки) НКМ таркибида ишлаш учун мўлжалланган маълумотларни онлайн режимида давлат солиқ хизмати органларига узатиш функциясига эга бўлган махсус қурилмалар кенг ишлаб чиқарилишини ташкил этсин;

юридик ва жисмоний шахсларга онлайн НКМни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиш имкониятини яратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов Ш.Х.):

а) телекоммуникация тармоқлари, шу жумладан, мобиль алоқа операторлари ва провайдерларига пуллик ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига узлуксиз узатиш хизматлари тақдим этишини таъминласин;

б) базавий станциялар, жумладан, CDMA-450 технологияларини қўллаган ҳолда станциялар сонини кўпайтириш;

тармоқлар билан, айниқса, олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларини қамраб олиш зоналарини кенгайтириш;

онлайн НКМдан фойдаланишда махсус тариф режаларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев Б.Р.) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Тангриев Л.Х.), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида мазкур қарорнинг мақсади, моҳияти ва амалий аҳамиятини кенг ёритиш бўйича тадбирлар ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев Б.Р.) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Р.Парпиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 29 сентябрь*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРДАГИ “ФИСКАЛ ХОТИРАЛИ НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 72-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни реализация қилиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш Назорат-касса машиналарининг давлат реестрига киритилган фискал хотирали назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Фискал хотирали назорат-касса машиналарининг қўлланилиши Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сонли қарори билан тасдиқланган низомлар билан тартибга солинади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳоли билан нақд пулда амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотлар назорат-касса машиналарининг фискал хотирасида сақланади.

Ҳозирги пайтда тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини камайтириш, нақд пул тушумларини банк кассаларига топширмасдан яшириш мақсадида харидорларга назорат-касса машинаси чекини бермаслик, назорат-касса машинасини носоз ҳолатга келтириш, фискал хотирадаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, назорат-касса машиналарини йўқотиш орқали амалга оширилган товар айланмалари тўғрисидаги маълумотлар сохталаштирилмоқда.

Бундан ташқари, йирик савдо тармоқларида товарлар ҳисобини юритиш, харидорларга назорат-касса машинасидан чек бериш ягона компьютер тизими орқали амалга оширилиши сабабли улардаги нақд пул тушумлари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги кафолатланмайди.

Нақд пул тушумларининг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимлари жуда кўп вақт талаб этиладиган хронометраж тадбирларига мунтазам равишда жалб қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сон Фармони билан давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш белгиланган.

Ушбу вазифалар, шунингдек, юқоридаги Фармон билан тасдиқланган "Давлат солиқ хизмати органлари фаолияти ва солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури"нинг 8-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорда товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар ҳажмини аниқлаш мақсадида 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида 500 тадан 1000 тагача бўлган онлайн назорат-касса машиналари тажриба-синов тариқасида амалиётга жорий этилади. 2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб ушбу ҳудудлардаги барча юридик шахслар, 2018 йилнинг 1 декабридан бошлаб барча юридик ва жисмоний шахслар товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан нақд пулдаги ҳисоб-китобларни мажбурий тарзда фақат онлайн назорат-касса машиналарини қўллаган ҳолда амалга ошириш орқали босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилган.

Онлайн назорат-касса машиналаридан келиб тушадиган фискал маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва Давлат солиқ қўмитасига узатиш фискал маълумотлар оператори томонидан амалга оширилади.

Фискал маълумотлар оператори функциясини бажарадиган юридик шахс Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда аниқланади.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши билан:

биринчидан, харидорларга берилган назорат-касса машиналари чекларининг марказлашган электрон маълумотлар базаси яратилади ва назорат-касса машиналаридан фойдаланмаётган савдо шохобчаларини онлайн режимда аниқлаб, тезкор чоралар кўриш имконияти яратилади;

иккинчидан, назорат-касса машиналари орқали харидорларга берилган чеклар ҳақидаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, тушум суммасини камайтириш, назорат-касса машиналарини йўқотиш, бузиш ёки рўйхатдан ўтмаган назорат-касса машиналаридан фойдаланиш, шунингдек, иккиламчи бухгалтерия юритиш каби ҳолатларга чек қўйилади;

учинчидан, онлайн назорат-касса машиналарининг касса чекларидаги рақамлар уникал (такрорланмайдиган) бўлганлиги сабабли уларни сохталаштиришнинг олди олинади, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатилади, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнига замонавий ахборот технологияларини татбиқ этишнинг янги босқичга кўтарилиши таъминланади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг нақд пул тушуми билан боғлиқ фаолиятига аралашиш ва турли хил назорат тадбирлари ўтказилишининг камайишига олиб келади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# “КУРАШ” МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

1998 йил 6 сентябрда таъсис этилган Кураш халқаро ассоциацияси бугунги кунда сайёрамизнинг бешта қитъасидаги 129 та миллий федерацияни бирлаштирган.

2010 йилда Кураш халқаро ассоциацияси Олимпия ўйинлари дастурига киритиш учун буюртма беришда муҳим талаб ҳисобланган Жаҳон допингга қарши агентлигининг эътирофига сазовор бўлди.

2017 йил 20 сентябрда Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Осиё Олимпия кенгашининг 36-Бош ассамблеясида “Кураш” миллий спорт тури тарихда илк бор XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди.

Кураш халқаро ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси курашни халқаро спорт мусобақалари ва турнирлари дастурларига, келгусида эса Олимпия ўйинлари дастурига ҳам киритиш бўйича фаол тадбирларни амалга оширмоқда.

Шу билан бирга, мавжуд айрим камчиликлар курашни янада ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

**биринчидан**, “Кураш” миллий спорт турини, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида, ўсиб келаётган авлоднинг миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш мақсадида оммалаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар замон талабларига жавоб бермаяпти;

**иккинчидан**, мазкур спорт тури бўйича қобилиятли курашчиларни аниқлаш ва саралаш ҳамда уларнинг машқ қилиши, шунингдек, мураббий ва ҳакамларни тайёрлашнинг самарали механизмларини жорий этиш имконини берадиган клуб ва секцияларнинг яхлит тизими шакллантирилмаган;

**учинчидан**, ёшларни ушбу спорт тури билан шуғулланишга кенгроқ жалб этишга қаратилган халқаро мусобақалар ғолиблари ва совриндорларини рағбатлантиришнинг самарали тизими жорий этилмаган;

**тўртинчидан**, зарур моддий-техника базаси ва спорт инфратузилмасининг етарли эмаслиги, спорт анжомларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилмаганлиги спортчилар машғулотларини талаб даражасида ташкил этишга ҳамда кураш бўйича халқаро мусобақаларни ўтказишга тўсқинлик қилмоқда.

“Кураш” миллий спорт турини аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодда миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва жаҳон спорт майдонида юқори натижаларга эришишни таъминлаш мақсадида:

1. 6 сентябрь – “Кураш” миллий спорт тури куни сифатида белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда, жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

Нукус шаҳри ва вилоят марказларида “Кураш” миллий спорт тури марказлари, ҳар бир туман (шаҳар)да замонавий спорт клублари ва секцияларини ташкил этиш;

кураш бўйича республика, халқаро мусобақа ва турнирларни доимий асосда ташкил этиш ва ўтказиш;

кураш бўйича республика, халқаро мусобақа ва турнирлар иштирокчиларининг автоматлаштирилган маълумотлар базасини жорий этиш;

"Кураш" йўналиши бўйича олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул квоталарини ошириш;

мазкур спорт тури билан шуғулланиш учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган "яктак" спорт кийимлари ва "кураш гилам"ларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

курашни, шу жумладан, реклама кампанияларини ўтказиш ва ижтимоий роликларни намойиш этиш орқали оммалаштириш бўйича медиа-режа ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси “Кураш” миллий спорт турини “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари дастурига ўрнатилган тартибда киритилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон кураш федерациясининг Ўзбекистон кураш федерацияси ҳузурида “Кураш” миллий спорт тури маркази” нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш ва Тошкент шаҳар, Корхожаота кўчаси, 25-уй манзили бўйича жойлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Кураш” миллий спорт тури марказини мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган манзил бўйича бепул жойлаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон кураш федерацияси ва унинг бўлинмалари фаолиятини мунтазам қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, “Кураш” миллий спорт тури маркази биносини реконструкция қилиш ва моддий-техник жиҳозлаш учун ҳомийлик маблағларини жалб этиш бўйича таклифлар киритсин.

6. Қуйидаги тартиб ўрнатилсин, унга мувофиқ:

юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси (ялпи тушуми) Ўзбекистон кураш федерацияси фаолиятини молиялаштириш учун йўналтирилган бадал, ҳомийлик ва хайрия ёрдам кўринишидаги маблағлар миқдорига, лекин солиқ солинадиган фойданинг (ялпи тушумнинг) ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камаяди;

Ўзбекистон кураш федерацияси томонидан спортчилар ва мураббийларга топшириладиган пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар кўринишидаги даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинади.

7. Спортчиларни ҳаммабоп ва сифатли спорт кийимлари ва инвентарлари билан таъминлаш мақсадида асосий фаолияти "яктак" спорт кийимлари ва (ёки) “кураш гилам”ларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар беш йил муддатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинсин, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон кураш федерациясининг буюртмалари бўйича курашни ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларга консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан кириш визаларини расмийлаштиришни таъминласин;

Ўзбекистон кураш федерациясига хорижда кураш бўйича халқаро мусобақалар ва турнирларни ташкил этиш ва ўтказишда кўмаклашсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон кураш федерациясининг буюртмалари бўйича курашни ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан кўп марталик кириш визалари берилишини ва муддатининг узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

10. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига спорт мусобақалари ва турнирларини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ва кенг ёритиш орқали курашни оммалаштиришга кўмаклашиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда кураш бўйича Осиё ўйинлари, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, шунингдек, Ўзбекистон биринчилиги ғолибларини олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш тартибини жорий этиш ҳақидаги;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 2 октябрь*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “КУРАШ” МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Кураш – азал-азалдан олижаноблик, мардлик ва ҳалоллик тимсоли, халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихга эга миллий-маданий меросининг бир қисми ва бебаҳо бойлиги ҳисобланади.

Кураш ҳақидаги илк маълумотлар Сурхон ва Зарафшон воҳалари, Фарғона водийси, Сармишсой дараларида аниқланган тасвирий санъат намуналари акс этган осори-атиқаларда, қоятошларда ва ғорларда учрайди.

Машҳур антик тарихчи Геродот ўзининг “Тарих” асарида кураш қадимда юртимиз ҳудудида жойлашган халқлар урф-одати ва анъаналарининг бир қисми эканлигини таъкидлаб ўтган.

Буюк Шарқ ҳакими ва маърифатпарвари Абу Али Ибн Сино асарларида кураш инсон соғлиғини мустаҳкамлаш усулларидан бири сифатида эътироф этилган.

Буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темур даврида кураш аскарларнинг ҳарбий ва жисмоний тайёргарлигини оширишнинг асосий усулларидан бири бўлган.

Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангуберди, Дарвешмуҳаммад сингари баҳодирлар курашни бутун дунёга танитишган.

Кураш нафақат спорт турларидан бири, шу билан бирга миллий байрамлар ва халқ сайилларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

“Кураш” сўзи “ҳалол йўл билан ғалабага эришиш” маъносини англатади ҳамда ўзида мардлик, кучли ирода, ҳалоллик ва рақибга нисбатан ҳурматни акс эттиради.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин кураш бўйича биринчи расмий турнир 1992 йил августда Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилди.

1998 йил 6 сентябрда ҳозирда сайёрамизнинг беш қитъасидаги 129 та миллий федерацияни бирлаштирган Кураш халқаро ассоциацияси таъсис этилди.

Бугунги кунга қадар дунёнинг кўплаб мамлакатларида кураш бўйича 500 дан ортиқ халқаро турнирлар ўтказилди. Юртдошларимиз орасидан 300 нафардан кўпроқ спортчилар кураш бўйича жаҳон, Осиё чемпионатлари ва халқаро турнирларнинг ғолиб ва совриндорлари бўлган.

Давлатимиз ва Кураш халқаро ассоциациясининг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида “Кураш” халқаро спорт тури сифатида кенг эътироф этилди, "кураш", "ҳалол", "таъзим", "тўхта" ва “ёнбош” каби атамалар эса халқаро спорт сўз ва иборалари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

2010 йилда Кураш халқаро ассоциацияси Олимпия ўйинлари дастурига киритиш учун буюртма беришда муҳим талаб ҳисобланган Жаҳон допингга қарши агентлигининг эътирофига сазовор бўлди.

2017 йил 20 сентябрда Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Осиё Олимпия кенгашининг 36-Бош ассамблеясида кураш тарихда илк бор XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди.

Кураш халқаро ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси томонидан курашни халқаро спорт мусобақалари ва турнирлари дастурларига, кейинчалик Олимпия ўйинлари дастурига киритиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида курашни янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодда миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва жаҳон спорт майдонларида юқори натижаларга эришишни таъминлаш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Кураш" миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди**.

Қарорда "Кураш" миллий спорт турини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш назарда тутилди.

Дастурга мувофиқ курашни оммалаштириш ва ёшларнинг бўш вақтини сифатли ўтказишни таъминлаш мақсадида Нукус шаҳри ва вилоят марказларида "Кураш" миллий спорт тури марказлари, ҳар бир туман (шаҳар)да эса замонавий спорт клублари ва секциялари ташкил этилади.

Шунингдек, кураш бўйича республика, халқаро мусобақалар ва турнирларни доимий асосда ташкил этиш ва ўтказиш, мусобақа ва турнирлар иштирокчиларининг автоматлаштирилган маълумотлар базасини жорий этиш, "Кураш" йўналишида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул квоталарини ошириш, мазкур спорт тури билан шуғулланиш учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган "яктак" спорт анжомлари ва "кураш гилам"лари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, курашни оммалаштириш юзасидан медиа-режа ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Мазкур чоралар аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида курашни ривожлантириш ва оммалаштиришга, спорт анжомлари ва инвентарларини тайёрлаш соҳасида маҳаллий брендни яратишга, Ўзбекистон кураш федерацияси фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган.

Кураш "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари дастурига киритилади.

Қарорга мувофиқ 6 сентябрь мамлакатимизда "Кураш" миллий спорт тури куни этиб белгиланди ва бу Кураш халқаро ассоциацияси ташкил топган кун билан рамзий маънода боғлиқдир.

Ўзбекистон кураш федерациясининг моддий-техника базасини сезиларли мустаҳкамлаш, кураш бўйича спортчилар ва мураббийларнинг ижтимоий ҳимоясини ошириш имконини берадиган қатор имтиёзлар назарда тутилди.

Хусусан, юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси Ўзбекистон кураш федерацияси фаолиятини молиялаштириш учун йўналтирилган бадал, ҳомийлик ва хайрия ёрдам кўринишидаги маблағлар миқдорига, лекин солиқ солинадиган фойданинг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камаяди.

Ўзбекистон кураш федерацияси томонидан спортчилар ва мураббийларга топшириладиган пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар кўринишидаги даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинади.

Спортчиларни ҳаммабоп ва сифатли спорт кийимлари ва инвентарлари билан таъминлаш мақсадида асосий фаолияти "яктак" спорт кийимлари ва (ёки) "кураш гилам"ларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар беш йил муддатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинади, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно.

Кураш бўйича Осиё ўйинлари, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, шунингдек, Ўзбекистон биринчилиги ғолибларини олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш тартиби жорий этилмоқда.

Жамоатчилик, айниқса, ёшларни ушбу спорт турига кенг жалб этиш мақсадида Ўзбекистон кураш федерацияси ҳузурида "Кураш" миллий спорт тури маркази" нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил қилиш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорини амалга ошириш "Кураш" миллий спорт турини бутун дунёда янада ривожлантириш ва оммалаштириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ғурур ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодда мардлик, кучли ирода, олижаноблик ва рақибга ҳурмат каби сифатларни шакллантиришга кучли туртки бўлиб хизмат қилади.

